

РЕСПУБЛИКАМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ


М. Нурмухамедова

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижалари талаб даражасида бўлишини таъминлаш жараёни тижорат банкларининг самарадорлигини объектив баҳолаш тизимини яратишни талаб этади. Бу муаммонинг ижобий ҳал этилиши эса банкларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Шу асосда банкларнинг иқтисодиётни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари янада ошишига иқтисодий замин яратилади. 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва у туфайли киритилган чекловлар туфайли юзага келган молиявий қийинчиликлар, жумладан, муаммоли кредитларнинг улуши кўпайиши, кредитлар бўйича хатарлар ортиши ва банкларнинг айрим хизматларига бўлган талабнинг кескин тушиб кетиши каби омилларнинг банклар самарадорлигига таъсирини баҳолаш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мақсадли банк депозити чекланмаган музорабанинг мисоли ҳисобланади, бу ерда банк музориб сифатида, банкда депозит очган жисмоний шахс молиявий маблағларнинг эгаси сифатида қатнашади. Бу ҳолатда депонент (депозит эгаси) аввалдан, унинг омонат маблағлари банк нуқтаи назаридан чекланмаган рўйхатдаги самарали ва иқтисодий манфаат келтирадиган лойиҳа ёки корхоналарни молиялаштириш учун, банкнинг ихтиёрига кўра эркин ишлатилиши мумкинлигига розилик билдиради. Депонент мазкур транзакция (банк инвестициялари) натижасида юзага келиши мумкин бўлган даромад ёки зарарларни аниқ инвестор-бошқарувчи билан тақсим қилмоққа тайёр туриши лозим;

б) чекланган музораба – ушбу шартномада капитал эгаси ҳисобланган омонатчи музорибнинг ҳаракатини уни амалга ошириш маълум ҳудуди ёки аниқ инвестициялар шакли билан ўзи лозим топган даражада чеклаб қўйиши мумкин, лекин музориб фаолиятини бундай чеклаш ўта юқори даражада бўлмаслиги лозим.

Музораба шартномалари банк ва тадбиркор ўртасида, шунингдек, омонатчи ва банк ўртасида ҳам тузилиши мумкин. Дастлабки ҳолатда тадбиркор музориб сифатида қатнашса, ке-йинги ҳолатда бу вазифани банк бажаради. Банк ва тадбиркор ўртасида музораба битимини амалга ошириш чизмаси 3.2-расмда кўрсатилган.



1.1-расм. Мурозаба шартномасидан фойдаланиб битимларни амалга ошириш чизмаси.

1. Банк ва мижоз ишончли шерикчилик тўғрисида (мижоз томонидан лойиҳани амалга ошириш учун) битим тузадилар, банк мижозни молиялаштиришни амалга оширади.

2. Мижоз лойиҳа бошқарувини амалга оширади.

3. Лойиҳани амалга ошириш доирасида фаолият натижаси (фойда ёки зарар) юзага келади.

4. Олинган фойда тақсимланувчи пул жамғармаларини шакл-лантиради, зарар эса лойиҳа активлари қийматини пасайтиради.

5. Лойиҳани амалга оширишдан келган фойда муносиб улушларда банк ва мижоз ўртасида тақсимланади.

6. Лойиҳанинг амалга оширишдан келган зарар банк ҳисобига тааллуқли бўлади.

Шариат рухсат этган ҳар қандай мулк музораба капитали бўлиши мумкин, бу ҳолатда қарз капитал маблағи сифатида ишлатилиши мумкин эмас. Инвестор ва тадбиркорнинг фойда улуши ва уни тақсимлаш механизми шартнома бажарилиши аввалида келишилган ва мувофиқлаштирилган бўлиши шарт.


Музораба одатда қисқа ва ўрта муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қўлланади. Музораба шартномалари анъанавий молиявий тизимдаги ишонч асосида молиялаштириш билан ўхшаш ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, банк берилган маблағлар учун гаров талаб қилмагани боис, музораба шартномаларининг хатари ўта юқори ҳисобланади ва улар у даражада кэнг тарқалмаган.

Ислом фикҳи меъёрларига мувофиқ экспорт-импортни, лойиҳавий ва синдикатлашган молиялаштиришда, қимматли қоғозларни чиқаришда исломий банк актив амалиётлари доирасида мушорака шартномасидан фойдаланилади.

ААОIFI халқаро стандартларига кўра, мушорака (шарика, ширкат) шерикчилик шартномасидир, бу икки ва ундан кўпроқ томонлар ўртасида фойда олиш мақсадида меҳнат ресурслари ёки мажбуриятларни, активларни бирлаштириш тўғрисидаги келишувни англатади.

Мушорака шартномасидан фойдаланиб битимни амалга ошириш схэмаси 7-расмда келтирилган.



1.2-расм. Мушорака шартномасидан фойдаланиб битимни амалга ошириш чизмаси.

1. Банк ва миџоз битим шартларини муҳокама қилади ва (бизнес режани амалга ошириш учун) шерикчиликда иштирок этиш тўғрисида келишув тузади.

2. Банк ва миџоз шартнома талабларига мувофиқ, бизнес-режанинг амалга ошиши учун молиялаштиришни (келишилган улушларда) амалга оширади.

3. Бизнес-режани амалга ошириш доирасида фаолият натиџаси (фойда ёки зарар) юзага келади.

4. Фойда тақсимланувчи жамғармаларни шакллантиради, зарар эса бизнес-режани амалга оширишда ишлатилган активлар қийматини пасайтиради.

5. Бизнес-режани амалга оширишдан келган фойда (ёки зарар) мутаносиб улушларда банк ва мижоз ўртасида тақсимланади.

Мушорака шартномаси муддатли ва муддатсиз бўлиши мумкин. Муддатсиз шартнома ҳар қандай вақтда қолган шерикларни бохабар этиш шarti ила шерикларнинг ҳар биритомонидан бекор қилиниши мумкин. Иштирокчиларнинг бири уни тарк этган тақдирда ҳам шерикчилик сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолатда шериклар шерикчиликни тарк этган иштирокчининг улушини сотиб оладилар ва бизнесни давом эттирадилар.

Мушорака шартномалари компаниянинг айланма маблағларини тўлдириш учун ёки кўшма инвестицион фаолиятга, масалан, кўчмас мулкка ёки қишлоқ хўжалигига қуйилмалар киритиш учун ишлатилиши мумкин. Одатда, шартномаларнинг мазкур шакли узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қўлланади. Бундай маҳсулотнинг афзаллиги шундаки, у эгилувчан (мослашувчан) келишувларни тузиш имконини беради, бунда фойдани тақсимлашдаги улуш ва бошқарув шакли сингари шерикчиликнинг хусусиятлари томонлар тарафидан аввалдан келишилиши мумкин, мушорака амалда банк томонидан инвестицион лойиҳаларга портфелли инвестицияларни амалга оширишни ўзида ифодалайди.

Ҳар қандай фаолият, шу жумладан молиявий, Қуръоннинг ахлоқий кўрсатмаларига мос бўлиши керак. Қуръон ахлоқи нуқтаи назаридан Ислom банки моддий ва маънавий, иқтисодий ва ахлоқий таркибий қисмларни бирлаштиради. Лекин бу Ислomий анъаналарга эътибор Ислomий банкнинг кучли молиявий ҳолатини таъминлади. Бунга сабаб ислom молиявий хизматлари қимор ўйинлари, шубҳали амалиётлар ва ислomда харом қилинган маҳсулотларга кўрсатилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон тижорат банкларида ислomий банк хизматларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун Ислom тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш лозим. ИТБ билан ҳамкорликнинг жозибадорлиги шундаки, у ўз фаолиятида Ислomий тамойилларга амал қилиши, муслмон Ўзбекистон менталитетига мос келиши билан ажралиб туради.

Хулоса ўрнида, Ислom банкларининг ўзига хос хусусияти улар ўзларининг сармоялари билан бир қаторда ўз эҳтиёжидан ортиқча жамғармаси мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек, хорижлик молиявий ресурс соҳибларининг депозитлари ва кредит маблағларини инвестиция мақсадида жалб қилишда ва эҳтиёж бўлган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага чиқади. Айнан мазкур йўналишда ислomий молиявий ресурсларни ўзлаштириш ва ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларни инвестициялашда муқобил манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мурожаатнома (2021) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь, <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи фондлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4224-сонли қарори
4. Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2844-сонли Қарори.
5. Al Maudud. S.A. (2010) Shari'a Standards for Islamic Financial Institutions Manama. – Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions.
6. Al-Gamal. M. (2006) Islamic Finance, Law, Economics and Practice. Cambridge University press.
7. Usmani. M.T. (2002) An Intruduction to Islamic Finance. Kluwer Law International.
8. Warde, I. (2010) Islamic Finance in the Глобал Economy, Ibrahim Warde.